



## ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРДА ЖАЗО ТУРЛАРИ

**Ғаппарова Севара Хикматулла қизи**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6545364>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

### KALIT SO'ZLAR

жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш ва рағбатлантирувчи нормалар.

### ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Жиноят кодексининг “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланган XVI боби кўриб чиқилиб, унда одил судловга қарши жиноятлар учун белгиланган жазо турлари, миқдори, муддати ҳамда бу жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси аниқ бир кетма – кетлик ва жадвал асосида ёритиб берилган. Бундан ташқари энг сўнггида жазо тайинлашга доир айрим умумий тавсиялар ҳам келтирилган.

Жиноят кодексига одил судловга қарши жиноятларнинг киритилиши билан суд тизимида содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш масалалари назарда тутилади. Одил судловга қарши жиноятлар учун Жиноят кодексига белгиланган жазо турлари ҳақида батафсил танишиб чиксамиз. Жиноят

кодексининг Умумий қисм 44-моддасида жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда деб белгиланган. Одил судловга қарши жиноятларда эса, жарима тариқасидаги жазонинг энг баланд миқдоридан энг паст миқдоригача қуйидаги жадвалда тушунтирилган.

| № | Базавий ҳисоблаш миқдорининг ... бараваридан ... бараваригача миқдорда жарима | Жиноят кодекси Махсус қисм Одил судловга қарши жиноятлар (230 – 241 <sup>1</sup> -моддалар) |
|---|---|---|
| 1 | 300 ...дан 400...гача   | 230 <sup>1</sup> -модда 1-қисм; 230 <sup>2</sup> -модда 2-қ                                 |
| 2 | 150...дан 300...гача  | 230 <sup>2</sup> -модда 1-қисм  |
| 3 | 100...дан 200...гача  | 232-модда 2-қисм  |
| 4 | 100...гача  | 232-модда 1-қисм  |



|   |                     |  |
|---|---------------------|--|
| 5 | 50...дан 100...гача | 233-модда 1-қ; 234-модда 2-қ                   |
| 6 | 50...дан 75...гача  | 237-модда 1-қисм                               |
| 7 | 75...гача           | 241-модда 2-қисм                               |
| 8 | 50...гача           | 234-модда 1-қисм; 239-модда; 241-модда 1-қисм. |
| 9 | 25...гача           | 240-модда                                      |

Жиноят кодексининг 15-моддаси “Жиноятларни таснифлаш” деб номланиб, унга кўра жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир булмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади. Юқорида келтирилган жиноятлар ўзининг санксия қисмидан келиб чиқиб ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар хисоблади. Шу сабабли бу жиноятларга жарима тариқасидаги жазо тури қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг 15, 16, 17-бандлари жарима тариқасидаги жазони қўлашга бағишланган бўлиб, жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санксиясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўлланиши тавсия этилган.<sup>1</sup>

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг 15-банди.

айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашдан ёхуд у ёки бу фаолият билан шугулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади. Одил судловга қарши жиноятларда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосан кўшимча жазо тариқасида келтирилган бўлиб, бу жиноятлар 230<sup>1</sup>-модда (Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)); 230<sup>2</sup>-модда (Тезкор қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбаклаштириш)); 235-модда (Қийноққа солиш ва бошқа шавкатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш); 236-модда (Тергов қилишга ёки суд ишларини хал этишга аралашиш), 2-қисм ва 241<sup>1</sup>-модда (Жиноятни хисобга олишдан қасддан яшириш). Ҳамда битта асосий жазо тариқасида - 232-модда (Суд ҳужжатини ижро этмаслик) 2-қисмда беш йилгача муддат қилиб белгиланган.



Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат бўлган жазо тури хисобланади. Жиноят кодексининг Умумий қисмида мажбурий жамоат ишларининг умумий муддати бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлиб, олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Одил судловга қарши жиноятларда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо турининг икки ҳил муддати мавжуд. Бири **уч юз олмиш соатгача** мажбурий жамоат ишлари бўлиб, бу – 232-модда (Суд ҳужжатларини ижро этмаслик), 1-қисмида; 240-модда (Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши) ва 241-модда (Жиноят ҳақида хабар бермасли), 1-қисмида; ҳамда **уч юз соатгача** мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо эса, Жиноят кодексининг 238-модда (Ёлғон гувоҳлик бериш), 1-қисмида назарда тутилган.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда олти ойдан уч йилгача (вояга етмаган ларга нисбатан – бир ойдан бир йилгача) бўлган

муддатга тайинланади.<sup>2</sup> Одил судловга қарши жиноятларда бу жазо тури қуйидагича муддатларда келтирилган: **уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** – 232-модда (Суд ҳужжатларини ижро этмаслик), 1-қисмда; 233-модда (Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш), 1-қисмда; 236-модда (Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш), 1-қисмда; 239-модда (Суриштирув ёки дастлаки тергов маълумотларини ошкор қилиш) ва 241-модда (Жиноят ҳақида хабар бермаслик), 2-қисмида; **икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** – 241<sup>1</sup>-модда (Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш), 1-қисмда; ; **икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** – 241-модда (Жиноят ҳақида хабар бермаслик), 1-қисмда.

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир. Озодликни чеклаш умумий тарзда бир ойдан беш йилгача муддатга, вояга етмаганларга эса олти ойдан икки йилгача тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади.<sup>3</sup> Одил судловга қарши

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг 18-банди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар



жиноятларда озодликни чеклаш жазоси турли муддатларда белгиланган. Жумладан, улар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

---

томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг 25<sup>1</sup>-банди.



| № | ... йилдан ... гача<br>Озодликдан чеклаш<br>жазосининг муддати | Жиноят кодекси Махсус қисм<br>Одил судловга қарши жиноятлар<br>(230 – 241 <sup>1</sup> -моддалар)              |
|---|--|--|
| 1 | Уч йилдан беш йилгача  | 230 <sup>1</sup> -м 1-қ; 230 <sup>2</sup> -м 2-қ; 235-м 1-қ;<br>236-м 2-қ; 238-м 2-қ; 241 <sup>1</sup> -м 1-қ; |
| 2 | Икки йилдан беш йилгача  | 230-м 1-қ; 231-м 1-қ; 232-м 2-қ; 233-м 1-қ; 237-<br>м 1-қ; 241-м 2-қ;  |
| 3 | Бир йилдан уч йилгача  | 230 <sup>2</sup> -м 1-қ; 234-м 2-қ; 236-м 1-қ; 238-м 1-қ;<br>239-м; 241-м 1-қ;                                 |
| 4 | Бир йилгача  | 232-м 1-қ; 234-м 1-қ;  |

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади.<sup>4</sup> Озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тазрда бир ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга, Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда эса, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин. Одил судловга қарши жиноятларда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатларига тўхталадиган бўлсак, уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Одил судловга қарши жиноятларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларнинг

деярли барчаси қасддан содир этилади. Бу жиноятларга нисбатан Жиноят кодексига белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан жадвал орқали танишиб чиқамиз.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорнинг 26-банди.



| № | ... дан ... гача озодликдан махрум қилиш жазосининг муддати | Жиноят кодекси Махсус қисм Одил судловга қарши жиноятлар (230 – 241 <sup>1</sup> -моддалар)                 | Жиноятларни таснифлаш (ЖК 15-модда)  |
|---|---|---|--------------------------------------|
| 1 | Саккиз йилдан ун йилгача                                    | 237-м 3-қ;  | Оғир жиноят                          |
| 2 | Етти йилдан ун йилгача                                      | 230 <sup>1</sup> -м 3-қ; 235-м 3-қ;   | Оғир жиноят                          |
| 3 | Беш йилдан ун йилгача                                       | 231-м 2-қ;  | Оғир жиноят                          |
| 4 | Беш йилдан саккиз йилгача                                   | 230-м 2-қ; 237-м 2-қ; 238-м 3-қ;  | Оғир жиноят                          |
| 5 | Беш йилдан етти йилгача                                     | 230 <sup>1</sup> -м 2-қ; 235-м 2-қ; 241 <sup>1</sup> -м 2-қ;  | Оғир жиноят                          |
| 6 | Беш йилгача   | 230-м 1-қ; 231-м 1-қ; 232-м 2-қ; 233-м 1-қ; 237-м 1-қ; 241-м 2-қ;   | Унча оғир бўлмаган жиноят            |
| 7 | Уч йилдан беш йилгача                                       | 230 <sup>1</sup> -м 1-қ; 230 <sup>2</sup> -м 2-қ; 235-м 1-қ; 236-м 2-қ; 238-м 2-қ; 241 <sup>1</sup> -м 1-қ; | Унча оғир бўлмаган жиноят            |
| 8 | Уч йилгача  | 230 <sup>2</sup> -м 1-қ; 234-м 2-қ; 236-м 1-қ; 238-м 1-қ; 239-м; 241-м 1-қ;                                 | Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят |
| 9 | Бир йилгача   | 232-м 1-қ; 234-м 1-қ;   | Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят |

Жиноят кодекси Махсус қисм моддаларининг айримларида рағбатлантирувчи нормалар мавжуд бўлиб, хусусан одил судловга қарши жиноятларда ҳам келтирилган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, рағбатлантирувчи нормалар ўзи нима? Рағбатлантирувчи нормалар – бу ҳуқуқий муносабатлар субъектлари давлат ва жамият манфаатларига фойда келтирадиган хатти-ҳаракат вариантлари учун рағбат, имтиёз белгиловчи нормалар. Бунда ўзининг юридик ва ижтимоий бурчига виждонан, сидқидилдан ёндашган ва

яхши натижаларга эришган шахслар учун рағбатлантирувчи чоралари белгиланади. Рағбатлантирувчи нормалар кишиларни юқори самара билан меҳнат қилиш, ижодий ва ижтимоий фаолликка ундовчи қоидалардир.<sup>5</sup> Рағбатлантирувчи нормалар асосан жазони енгиллаштирувчи ёки шахсни жиний жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормалардан иборат бўлади. Жиноят кодекси “Одил

<sup>5</sup> Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назаарияси. – Тошкент. «Адолат», 2018. – 264 б.



судловга қарши жиноятлар” бобининг 233-модда (Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш) 2-қисм “Етказилган моддий зарар уч карра миқдоридида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.” ва 240-модда (Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши) 2-қисм “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товланганлиги учун, шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўсатув беришни рад этганда жавобгарликка тортилмайдилар.” да рағбатлантирувчи нормалар мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, судлар томонидан жиноят учун тайинланган жазонинг тўғрилиги одил судловни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Адолатли жазонинг тайинланиши Жиноят кодексининг 42-моддасида белгиланган, жазодан кўзланган мақсадларга яъни маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолият билан шуғулланишини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Судлар томонидан жазо тайинлашнинг умумий асосларини қўллаш бўйича бир қатор тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1 –

14-бандларида белгиланган. Ўнга мувофиқ, судлар эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши; Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланиши шартлигини англамайди. Шу сабабдан ҳам, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Жиноят Кодекси 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлиги; Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида маскур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, жумладан объектив омилларга айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга эса, судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ – атвори, машғулоти, давлат ёки



жисмоний мавқеи ва ҳ.к. лар киради. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган холда ахлоқан тузатиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча

имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳамда шу каби бошқа тавсиялар ҳам назарда тутилган. Юқорида жазо тайинлашга доир келтирилган умумий тавсиялар одил судловга қарши жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори.
2. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назаарияси. – Тошкент. «Адолат», 2018. – 264 б.